

---

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЁЗЁВОН ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚИРҚ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Сессияни 1-Навоий сайлов округидан депутат Отабек Эминов очди ва олиб борди. Сессия ишига туман ҳокимининг барча ўринбосарлари, туман сектор раҳбарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар қатнашдилар. Сессия Президиум аъзолигига Ёзёвон тумани ҳокими Дилшоджон Джалилов Дилшоджон, 3-Ҳамза сайлов округидан депутат Мавлуда Мамадалиева сайланишди. Сессия ишида Ёзёвон тумани ҳокими Джалилов Дилшоджон Турсунмуродовичнинг туман Кенгаши олдида 2021 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари бўйича ҳисоботи, шунингдек келгуси йилги режаларига бағишланган “Халққа мурожаати” ўқиб эшиттирилди. Ҳокимнинг халққа мурожаатномаси туман ҳокимлиги ахборот хизматининг фейсбукдаги саҳифаси орқали биринчи бор тўғридан-тўғри (онлайн) намойиш қилиб борилди. Ёзёвон тумани ҳокимлиги телеграм каналида сессия тафсилотлари обуначиларга ҳавола этилди.

Сессияда туман кенгаши депутатлари Баҳодир Юсупов кам таъминланганларга уй-жой бериш тартиби, Исомиддин Шералиев бюджет маблағлари сарфланиши, туман прокурори Илҳомжон Ходжаев 22-ДМТТ биносини реконструкция қилиш, Баҳор МФЙ раиси Маҳфуза Мамажонова “Янги Ўзбекистон” массивида қуриладиган уйлاردан кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун кўпроқ ажратиш каби таклиф ва сўровлар билан чиқишди. Туман ҳокими барчага атрофлича жавоблар қайтарди. Сессия жонли, қизиқарли ўтди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-12-17 15:38:36